

## **МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Хайитов Шухрат Шарипбоевич**

*Тошкент молия институти мустакил изланувчиси*

**Аннотация:**Мақолада маданият ва спорт мауассасалари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ёртилган. Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган маданият ва спорт мауассасалари фаолиятини молиялаштириш бўйича чора-тадбирлар таҳлил қилинган.

**Таянч иборалар:** молия тизими, давлат бюджети, маданият ва спорт мауассасалари, солиқ-бюджет сиёсати, молияни бошқариш, молия механизми.

Таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Спорт-таълим муассасалари фаолияти ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, уларда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, уларни бошқариш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, моддий-техник ва ресурс имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида:

- Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш;
- Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастурини 2021–2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” амалга ошириш;

➤ Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастурининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгилаш;

➤ 2022-2025 йилларда олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари белгилаш;

➤ спорт бино ва иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари фақатгина олдиндан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосномага мувофиқ амалга оширилади;

➤ олимпия ва паралимпия захиралари коллежларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш учун Давлат бюджетидан 2022 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили кўшимча:

➤ қурилиш-таъмирлаш ишларига – 50 миллиард сўм;

➤ замонавий спорт жиҳозлари, технология воситалари, асбоб-ускуналар ва махсус спорт кийимлари билан таъминлашга – 10 миллиард сўм;

➤ тиббиёт бўлимларини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тиклантирувчи воситалар билан жиҳозлашга – 10 миллиард сўм;

➤ замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилишга – 2 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларда ўрганишлар олиб борган ҳолда, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари учун кўшимча қуриладиган замонавий ўқув, ётоқхона, ошхона, тиббиёт бинолари ва спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тасдиқланди. Бунда, уларнинг спорт иншоотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишни кўзда тутилди.

2022 йил 1 январга қадар:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш



институти кутубхонасини спорт турлари, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича 8 000 дона;

олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари кутубхоналарини спорт турлари, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича 7 000 дона;

бошқа спорт-таълим муассасаларининг кутубхоналарини спорт турлари бўйича 35 000 дона хорижий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, спорт турлари, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича хорижий адабиётларни харид қилиш ва таълим муассасаларига етказиб бериш билан боғлиқ 10 миллиард сўмлик харажатлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Туризм ва спорт вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади, келгуси йилларда ушбу муассасаларнинг кутубхона фондини бойитиб бориш уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт-таълим муассасалари машғулотларини олиб бориш учун давлат тасарруфида бўлган зарур бино ва иншоотларнинг ижара тўловларисиз уларга тақдим этилишини таъминласин;

2022 йил 1 апрелга қадар олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаётган нодавлат спорт-таълим муассасаларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

ўз тизимидаги барча турдаги спорт бино ва иншоотларида турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6165-сон Фармони доирасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, фармонга кўра, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг ушбу соҳаларда давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича барча жабҳаларини қамраб олувчи қуйидаги асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган:

- миллий маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада оширишни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

- аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғулари янада чуқур илдиз отиши, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг ўсиб келаётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;

- бадиий ижоднинг ривожланишини янада рағбатлантириш, ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш, маданият муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг имкониятларидан маънан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори маданиятли шахсларни тарбиялаш ишларида янада тўлароқ фойдаланиш;

- аҳолининг кенг қатламлари ўртасида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, спорт ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз корхоналарида спорт жиҳозлари ва инвентарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;



- болалар, айниқса, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш орқали барча ҳудудларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш, шу асосда болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг барқарор жисмоний ривожланишини таъминлаш;

- иқтидорли ва истикболли спортчиларни саралаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишни таъминлаш учун мамлакат терма жамоаларининг асосий таркиби ва сифатли спорт захирасини шакллантириш;

- замонавий технология ва илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, маданият ва спорт соҳасида муассасалар ва ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, давлатлараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

Таъкидлаш жоизки, фармонга биноан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси негизида Маданият вазирлиги ҳузурида «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ташкил этилган. Ушбу муассаса ўзида 2,5 минг ижодий жамоа ва ижрочиларни бирлаштиради ҳамда мусиқа, хореография ва эстрада санъатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш, Хулоса ўрнида Ўзбекистон халқининг маънавияти, ёрқин ва ўзига хос маданиятини ёритувчи юксак бадий ва сифатли асарлар яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абаева Н.П., Шигаева Е.В. Развитие концепции финансового менеджмента. // Финансы и кредит. – 2013. – №47(575). – С. 25–28.



2. Мертон, Роберт К. (1973). "Теория рационального ценообразования опционов". Bell Journal of Economics and Management Science. Корпорация "РЭНД". 4 (1): 141–183.

3. Адаменко А.А., Хорольская Т.Е., Горшков В.С. Финансовые активы: понятие и оценка // Вестник Академии знаний №34 (5), 2019

4. Осербайулы С. С.; Талгат А. А.. Современные проблемы управления финансовыми активами предприятия и методы их решения.. Вестник КазНУ. Серия Экономическая, [S.l.], v. 90, n. 2, p. 71-75,

5. Лех.уз

